

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ
«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ» ФАНИДАН**

**“Ҳисобот даври молиявий натижасининг ҳисоби”
(“Иштихон ташкилий савдо” МЧЖ мисолида)”
мавзусидаги**

КУРС ИШИ

**Бажарди: 3-курс БҲ-112 гуруҳ
талабаси Тўхтаев О.Х.
Курс иши раҳбари: Катта
ўқитувчи Амонов.А.**

САМАРҚАНД – 2015

БХ-112 гуруҳи талабаси Тўхтаев Отабекнинг «Ҳисобот даври молиявий натижаларининг ҳисоби» мавзуси бўйича курс ишига

ТАҚРИЗ

Ушбу курс иши талаба — Тўхтаев Отабек томонидан кафедрада тасдиқланган режа бўйича “Иштихон ташкилий савдо” Масъулияти чекланган жамият материаллари асосида тайёрланган бўлиб, у 2 бобдан иборат бўлиб:

1-боб “Ҳисобот даври молиявий натижасининг ҳисобини назарий асослари”

2-боб “Иштихон ташкилий савдо” МЧЖ да ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг ҳолати ва уни яхшилаш йўллари”

Хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва курс ишига иловалардан ташкил топган.

Курс ишини бажаришда талаба мавзу бўйича назарий олган билим ва кўникмаларини амалиёт билан боғлай олган ва бу мавзу бўйича ёритилган ҳар бир бандда ўз аксини топган. Айниқча курс ишига илова қилинган “Иштихон ташкилий савдо” МЧЖ нинг амалиёт материалларидан фойдаланилган Шу билан биргаликда курс ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд:

-курс ишида ишнинг барча бандлари бўйича илова қилинган амалиёт материалларига кўрсатма ишнинг матнида мавжуд бўлиши лозим;


- курс ишини матнида баъзи грамматик ва орфографик хатолар учрайди.

-курс ишида молиявий натижаларни шаклланишида “Иштихон ташкилий савдо” МЧЖ да молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Умуман, курс ишини бажаришда талаба хулоса ва таклифлар қисмида ўринли таклифлар киритган. Масалан: корхонада зудлик билан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни, ҳисоб регистрларини ҳисоб сиёсатига мослаштиришни, ҳисоботларни ўз вақтида солиқ органларига топширилишини таклиф этган. Ушбу курс иши мавзуси бугунги кунда жуда дол-зарб бўлган масала корхона ва ташкилотларда молиявий натижаларни шакллантириш борасида талаба томонидан мавзунини тўлиқ ёритишда ва уни амалиёт материаллари билан бойитишда ижобий ишлар амалга оширилган.

Юқорида келтирилган баъзи камчиликлар курс ишини сифатига таъсир қилмайди ва ушбу иш ҳимояга тавсия этилади.

Курс иши раҳбари
катта ўқитувчи



А.А.Амонов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедра

«Тасдиқлайман»

Кафедра муdiri Қочқ проф. Уразов К.Б.

2014 й. 20 декабрь

«Банк-мани» факультети III курс БМ.12 гуруҳи талабаси
Ташкент Ойбеков га

КУРС ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИК

1. Курс ишининг мавзуси: «Қосодою довра года, все найденные различия в особю»
2. Меърий хужжатлар: Уд. рес. Бух. ҳисоб. тур. Тарх. БУЛОС. во тарг меъреев кертмаётлар.
3. Тавсия этиладиган адабиётлар: «Метод учета расходов курсатков в бухгалтерском учете»
4. Карта, схема, график материаллар рўйхати

5. Курс ишини бажаришнинг асосий боскичлари	Топшириш вакти
1. <u>Курсиёни во I. бос.</u>	<u>24. декабрь. 2014.г</u>
2. <u>II. бос. «методом талки-методом» к.з.и. метод расчёта асоев а бонн тайр асоев</u>	<u>15. январь. 2015.г</u>
3. <u>III бос. Бухгалтерский метод расчёта курсовых разниц в балансе и</u>	<u>30. январь. 2015</u>
4. <u>Курсиёни тадбир. токлар, 13. фев. 2015</u>	
6. Қўшимча кўрсатмалар:	

Вазифа берилган сана 2014 й. 20. декабрь.

Курс иши рахбари: Қочқ

Алоқов

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
------------	---

I БОБ. ҲИСОБОТ ДАВРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИНИНГ ҲИСОБИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи.....	6
---	---

1.2 Ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг мақсади ва вазифалари.....	12
--	----

II БОБ « ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖДА ҲИСОБОТ ДАВРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ.

2.1 «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖда ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг ҳолати ва юритилиш тартиби.....	21
--	----

2.2 «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ да ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини яхшилаш йўллари	25
---	----

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	28
--------------------------	----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати...../...	30
---	----

ИЛОВАЛАР.....	33
---------------	----

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдида қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишинини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқаришини модернизациялаш, айланма маблағларни кўпайтириш, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш ишлари амалга оширилди. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўз навбатида фойда яъни молиявий натижа кўрсаткичини оширишни, амалиётда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни, хусусан, ҳисобини юритиш ва уни яхшилаш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур курс иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ушбу курс ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг

назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этишга доир илмий-амалий тавсиялар беришдан иборат. Ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини назарий жиҳатдан ўрганиш, амалиётда ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини юритиш ва уни яхшилаш йўллари буйича хулосалар бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг назарий асосларини ўрганиш;
- тадқиқот объекти билан танишиш;
- корхонанинг ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини юритиш;
- корхонанинг ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини яхшилаш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансига, юмалоқ муҳрига, штампига, статистик кодларига эга.

- корхонанинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақамлари мавжуд эмас.

-Жамиятга юридик шахсни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Иштихон туман ҳокимлигининг 2011 йил 28-апрелда № 0001017 сонли реестр рақами билан № 821-сонли гувоҳнома берилган, гувоҳнома бўйича жамиятнинг:

Ташкилий ҳуқуқий шакли (ОПФ) ТХШ 1152

Мулкчилик шакли (КФС) МДП 142

Почта манзили (СОАТО) МХОБТ 1718212501

Хос рақами (ОКПО) КТУТ 01803129

Тармок коди (ОКОНХ) ХХТУТ 71150

Солиқ тўловчи рақами СТИР 200743573 берилган.

Корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- озик-овкат ва ноозик-овкат товарлари, материаллари, хом ашёлари билан чакана ва улгуржи савдо килиш;

- ишлаб чиқариш фаолияти учун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, ўз маҳсулотларини ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, ўз маҳсулотларини ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш билан шуғулланиш;
- спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш бундан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

«ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ нинг манзилгоҳи: Иштихон шаҳрида жойлашган.

Ишнинг ҳажми таркибий тузилиши:

Тадқиқот кириш, асосий қисм, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида тадқиқот тўғрисида, унинг мақсади ва вазифалари ва тадқиқот объекти тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.

Асосий қисм эса икки бобдан иборат. Унинг биринчи бобида тадқиқотнинг назарий қисми очиқ берилган. Иккинчи боби эса амалиётда яъни корхона мисолида ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини юритиш ва уни яхшилаш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Хулоса ва тақлифлар қисмида ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисоби бўйича яхлит хулосалар киритилган.

1.1 Фойда кўрсаткичларининг моҳияти ва шакллантириш тартиби .

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдида қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда яъни ҳисобот даври молиявий натижаси ялпи ички маҳсулотларнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни юзага келтиришда муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги, унинг кенгайтирилиши марказлаштириладиган ва номарказлаштириладиган жамғармаларни ташкил этишда фойда нафақат сифат кўрсаткичи сифатида балки шу билан бирга у шу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва солиқ муносабатларини ташкил этувчиси ва манбаси ҳамдир. Ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида фойда махсус ва умумхўжалик жамғармаларини ташкил этиш билан биргаликда давлат бюджетини пул маблағлари билан таъминлашда актив иштирок этади ва шу хусусиятлари билан бозор-иқтисодий муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда у янада фаолроқ ўз моҳиятини намоён этиши мумкин.

Фойданинг бир қисмини бюджет орқали қайта тақсимлаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий равишда таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ижтимоий тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг минтақавий пропорцияларида, табиий ресурслардан рационал фойдаланишларда ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ўз ифодасини топади. Демак, корхоналар ажратмаларининг бир қисмини солиқ сифатида давлат бюджетига ўтказиш бозор инфраструктурасини барпо этиш учун зарур.

Фойдани турлича таърифлаш мумкин. Кўпгина адабиётларда иқтисодчилар фойдага турлича таъриф беришган. Хусусан, фойдага қуйидагича таърифлар бериб ўтилган:

“Фойда – сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг қиймати билан таннархи айирмаси, қўшимча маҳсулотнинг пул шаклидир. Фойда

даромаднинг бир қисми. Фойданинг мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдиқ шакллари мавжуд. Маҳсулот таннархини пасайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади”.¹

“Фойда - бу корхонанинг ҳисобот даврида жами фаолият турларидан олинган даромадлари билан жами фаолият бўйича кўрилган зарарларнинг ижобий фарқидир”.²

Молия-солиқ адабиётларида эса фойда қуйидагича тавсифланган:

“Фойда қўшимча қийматнинг бир қисми сифатида турли соҳа фаолияти иқтисодий тармоқларининг ўзаро пул маблағларини тақсимлаш функциясини бажаради ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг бир қисmini тақсимлаш ва қайта тақсимлашни юзага келтиришда муҳим рол ўйнайди”.³

Бухгалтерияга оид адабиётларда фойда кўрсаткичларининг 5 хил шакли мавжуд. Уларни қуйидаги кетма-кетликда ўрганамиз:

1. Сотишдан олинган фойда (Фс) :

$$\text{Фс} = \text{Ст} - \text{Тс}$$

Бу ерда: Ст – соф тушум, Тс –сотиш таннархи

2. Асосий фаолиятдан олинган фойда (Аф) :

$$\text{Аф} = \text{Фс} - \text{Дх} + \text{Бод}$$

Бу ерда: Дх- давр харажатлари; Бод – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

3.Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ):

$$\text{УФ} = \text{Аф} + \text{МД} - \text{МЗ}$$

Бу ерда: МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар

4.Солиқгача фойда (Фст):

$$\text{Фст} = \text{УФ} + \text{Фф} - \text{Фз}$$

¹ Орипов Ж.О. Иқтисодиёт назарияси. –Самарқанд: “СамИСИ босмахонаси”, 2004 182-бет.

² Каримов А, Исломов Ф, Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. –Тошкент: “ШАРҚ”,2004 408-бет.

³ Жўраев А, Тошматов Ш, Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш.- Тошкент: “НОРМА”, 2009 32-бет.

Бу ерда: Фд –фавкулотдаги фойда; Фз – фавкулотдаги зарарлар

5.Соф фойда (Сф):

$$\text{Сф} = \text{Фст} - \text{Дс} - \text{Аж}$$

Бу ерда: Дс – фойдадан олинадиган солиқлар (фойда солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ,);

Аж – фойдадан бошқа ажратмалар.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда Фойда кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» га мувофиқ юқорида келтирилган фойда кўрсаткичларидан ташқари солиқга тортиш мақсадида яна иккита қуйидаги фойда кўрсаткичи ҳисоблаш йўли билан топилади:

- **Солиққа тортиладиган даромад (Стд)**

$$\text{Стд} = \text{Фст} (\text{Зст}) + \text{Стх} + \text{Сбх} - \text{Счх} - \text{Д} - \text{Ф}$$

Бу ерда: Стх –солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар;

Сбх –ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар;

Счх –солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар;

Д –олинган дивидендлар;

Ф- олинган фоизлар

- **Солиқга тортиладиган фойда (Стф)-** бу солиқга тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни :

$$\text{Стф} = \text{Стд} - \text{И}$$

Бу ерда : И – имтиёз сифатида солиқга тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

Фойда кўрсаткичининг асосий элементлари даромад ва харажатлардир. Қуйида уларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

ЖАМИ ДАРОМАДНИНГ ТАРКИБИ:

Жами даромадга қуйидагилар киради:

— товарларни (ишларни, хизматларни) (кейинги ўринларда — **Товарларни**) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

— бошқа даромадлар.

Жами даромадни шакллантиришда қуйдагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

— устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар;

— муассислар таркибидан чиқиладиганда (улуш камайтирилганда, тугатила- ётганда) устав фондига ҳисса доирасида олинган маблағлар;

— оддий ширкат шартномаси шеригининг шартнома шериклари умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган (бўлинган) тақдирда ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар;

- реализация қилинаётган товарлар учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ(бўнак) тарзида олинган даромадлар.

ТОВАРЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР

Товарларни реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан ҚҚС ва акқиз чегириб ташланган ҳолда олинган тушум Товарларни реализация қилишдан олинадиган даромад ҳисобланади.

Товарларни реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиши, ишларни бажариши, хизматлар кўрсатиши ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қурилиш. қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) ҚҚС киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Товарлар таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни реализация қилишдан олинган тушум уларнинг таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади.⁴

МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР

Чегириб ташланадиган харажатлар гуруҳида биринчи бўлиб моддий харажатлар келтирилади. Харажатлар асосан 1000- «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар», 1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар», 1600-«Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар» ва бошқа ҳисобварақлар маълумотлари бўйича шаклланади.

Агар етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган тара қиймати олинган товар-моддий захиралар нархига қўшилган бўлса, унда қайтариладиган тара қиймати уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади.

Моддий харажатлар суммаси қайтариладиган чиқиндилар қийматига камайтирилади.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш солиқлар ва бошқа ушланмалар чегирилмаган ҳолда иш берувчи томонидан ходимга тўланиши керак бўлган пул ёки натура шаклидаги ҳақ.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига иш ҳақининг, шунингдек, пул ёки натура шаклларида ҳисоблаб ёзилган турли мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ва ижтимоий имтиёзларнинг барча турлари, шу жумладан,

⁴ Умидбек Сафаров/Солиқ ва божхона хабарлари .- Тошкент. 2013-йил 20-сентябр, № 38(946), 14-бет

ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ишламаган вақт учун ҳисоблаб ёзилган пул маблағлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари асосланган ва солиқ тўловчининг бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

АМОРТИЗАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ

Амортизация деганда асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизация қилинадиган қийматини маҳсулот таннархига ва давр харажатларига киритадиган мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси тушунилади. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация қилинадиган активлардир.

1.2 ҲИСОБОТ ДАВРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ ҲИСОБИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Молиявий натижа ҳисобида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижа фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли ҳисоби олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли ҳисоби ўтказилади.

Ҳисоб молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал ҳисоб, горизонтал ҳисоб, трендли ҳисоб ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий каторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изох берилади.

Молиявий натижа ҳисобида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлари қаторига эса корхона фойдалилиги натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади. Бозор активлиги кўрсаткичларига акциялар, қимматли қағозларнинг фойдалилик даражасини характерловчи кўрсаткичлар киритилади. Улар қаторига битта акцияга тўғри келадиган ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар бўлган фойда), битта акция тўғри келадиган соф фойда, битта акцияга тўғри келадиган дивиденд суммаси, акциянинг баҳоси ва фойдаси орасидаги нисбат коэффицентлари киради.

Молиявий натижа ҳисоби ташқи ва ички субъектлар томонидан олиб борилади. Ички субъектлар томонидан олиб бориладиган ҳисоб ички

молиявий ҳисоб қаторига киритилиб фақат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки, ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатлари мужассамлашган. Ички молиявий ҳисобда корхонада купроқ Молиявий натижа ҳисоби ни юзага чиқиш урни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади. Яъни, уларнинг аналитик қаторига купроқ аҳамият берилади.

Ташқи ҳисоб субъектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек, корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар, эркин соҳибкорлар кириши мумкин.

Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражаси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизиқтиради. Агар акция эгаси бўладиган бўлса, соф фойда ва дивиденд тўловига тортиладиган фойда суммаси, солиқ идорасини солиқ тўловига қадар бўлган фойда ва унга қайта қўшиладиган ҳаражат моддалари, қарши томон, харидор ва буюртмачилар ёки шерикларни корхонанинг йил якуни бўйича иқтисодий фойдаси ва ҳ.к.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг мол-мулкнинг ҳисоб этишида молиявий ҳисобнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг фойда кўрсаткичлариини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг умумий рентабеллик даражасини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳакозолар.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг фойда кўрсаткичларини ҳисоб этишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- корхонанинг «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисобининг фойда кўрсаткичларини акс эттирувчи тегишли счёти маълумотлари.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади. Савдо ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлашда товарларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулотларни сотиб олиш қийматини чегириш асосида аниқланади.

Ҳисобда сотишнинг учта қатори характерланади.⁵

1. Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа;
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа;

⁵ В.Вохобов, А.Т.Иброҳимов, Н.Ф.Ишонкулов, “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Тошкент-2005

3. Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида аълоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар катори кўрсатилиши тартибланган.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли ҳисобга алоҳида аҳамият берилади.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар.
- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Давр харажатларининг ҳисоби

Давр харажатлари дейилганда – бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. ***Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин.***

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа умумхўжалик харажатлари.

Сотиш харажатлари «Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархига киритиладиган харажатлар, Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартиблашни ва тўғридан тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларини иш хақи харажатлари, иш ҳақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркибланиш ва ҳисоб этиш мумкин.

Сотиш харажатларининг қопланиши корхонанинг дастлаб ҳисоб фойдасидан амалга оширилади.

Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратини хизмати харажатларидир.

Бошқа умумхўжалик харажатлари қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йулга қуйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилга тегишли фойда;
- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишдан кўрилган натижалар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;

- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар ва йўқотишлар ҳисоби

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятидан олинадиган даромадлар киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Бошқа сотишлар бўйича Республика Солиқ кодексига мувофиқ алоҳида солиқлар тўлови қўлланилади. Шунингдек, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишга солиқлар, даромад ёки тушумларнинг бу қатори бўйича ҳам амал этади. Бошқа сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумни аниқлашдаги каби услубий боғланишга эга.

Молиявий фаолиятдан олинган натижа корхона фаолият натижавийлигининг алоҳида ҳисоб қатори сифатида таркибланади ва ҳисоб этилади. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар корхонанинг фонд бозори, молия бозоридаги фаолиятидан келадиган натижаларни ўз ичига олади. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар қатори «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатлар, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ таркибланади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг корхоналарнинг жами ҳисоб фойдаси таркибидаги салмоғи

сўнги йилларда бир қадар ўсиб бормоқда. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Масалан, бошқа корхоналар фаолиятида хиссали қатнашишдан олинган даромадлар, валюта маблағларининг курс ўзгаришидан олинган даромадлар, бошқа корхоналарга, шуъба ва уюшма корхоналарга берилган қарзлар бўйича олинган даромадалар, фоизлар бўйича олинган ва тўланган даромадлар, акциялар бўйича олинган дивидендлар суммаси ва х.к.

Ҳисобда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Ҳисоб учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган изохлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг қуйидаги қаторлари таркибланган.

-шуъба ва уюшма корхоналардан олинган дивидендлар;

-бошқа олинган дивидендлар;

-шуъба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;

-бошқа олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар;

-валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар;

-молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва йўқотишлар

Фавқулоддаги фойда ва зарарлар ҳисоби

Фавқулоддаги фойда ва зарарлар молиявий натижавийликнинг учинчи таркиб қатори ҳисобланади. Унинг қаторига бевосита тасодиқий ҳолатлардан куриладиган натижалар киритилади. Масалан, сув тошқини ёки

ер қимирлаши, ёнғин оқибатида, бўронлар оқибатида ёки бошқа табиат ходисалари асосида руй берадиган йўқотишлар киритилади. Фавқулодда фойда ёки даромадалар қаторига киритиладиган ёки зарарлар қаторига киритиладиган аълохида моддалар «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низомда аниқ кўрсатилмаган.

Уларнинг фақат битта шарти умумий Низомда белгиланган. Яъни, яқин уч йиллик оралиқда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинадиган даромадлар ёки фойда суммаси корхона учун кутилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Кутилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг алохида таркиб қатори сифатида белгиланган.

Уларни корхонада режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни, фавқулодда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган қаторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоғи сезиларга таъсирга эга эмас.

Корхона ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар фойда) ҳисоби

Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритиладиган қаторлар тўғрисида юқорида кенгроқ тухталган эдик. Яъни, корхона ҳисоб фойдаси асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган натижа, молиявий фаолиятдан натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аниқланади. Корхона ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва урни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Корхона ҳисоб фойдаси ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойдадан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар ва

ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр бўйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ хўжалик ҳисобидаги корхоналар фойда солиғи тўловчилар ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи бўйича доимий ва вақтинчалик имтиёзлар белгиланган.

Бошқа солиқли тўловлар қаторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қўмитаси тамонидан белгиланади. Ягона солиқ тўловига ўтган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан қатъий ставкаларда ҳисобланади ва тўланади.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;
- молиявий фаолиятдан олинadиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;
- фавқулодда фойда ва зарарлар ўзгариши;
- фойдадан олинadиган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши ва ҳакозолар.

2.1 «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖда ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобининг ҳолати ва юритилиш тартиби

«ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖда кейинги ўринларда корхона дейилади фойда кўрсаткичларининг ҳолати ва таркибий тузилишини аниқлаш учун даставвал биз корхонанинг даромад манбалари, харажат йўналишлари ва уларнинг фойдага таъсирини кўриб чиқамиз.

1-жадвалда кўрсатилган корхонанинг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” ига асосан фойда кўрсаткичларини ҳисоб қиламиз.

1-жадвал

2013-йил ҳолатидаги фойда кўрсаткичкарининг таснифи

Кўрсаткичлар	01.01.2012		01.01.2013		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунча бўлган фойдага нисбатан салмоғи (%)	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунча бўлган фойдага нисбатан салмоғи (%)	Суммадаги	Салмоғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш. хизмат) лар сотиш-дан олинган ялпи фойда	134855,584	1365,9	155864,408	3143,4	21008,824	1777,5
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	132618,142	1343,3	169792,221	3424,3	37174,079	2081
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	11261,949	114,1	6569,47	132,5	-4692,479	18,4
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	9872,829	100	4 958 498	100	-4914,331	0

5. Фавкуллод-даги фойда ва зарарлар					0	0
6.Фойда солиғи тўла-гунга қадар фойда	9872,829	100.0	4958,498	100.0	-4914,331	0.0
7.Фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар	2867,515	29	3365,747	67,9	498,232	38,8
8.Хисобот давридаги соф фойда ёки зарар	7005,314	71	4819,998	97,2	-2185,316	26,3

Бу жадвал орқали биз корхонанинг бир йиллик мавсум ичида фойда кўрсаткичларининг динамикасини кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи фойда кўрсаткичи 21 008 824 сўмга, давр харажатлари 37 174 079 сўмга ва солиқлар эса 498232 сўмга ошган. Асосий ишлаб чиқариш ва умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ҳамда соф фойда кўрсаткичлари эса камайган.

Корхона соф фойдасига энг муҳим таъсир қилувчи омиллар ялпи даромад ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи суммалари кўпайган. Салмоқли улушда таннархнинг ялпи даромадга нисбатан кўпроқ ўсганлиги натижасида ялпи фойда миқдори ўтган йилга нисбатан камайган.

Солиқ ставкаларининг ошиши эса солиқ тўловлари миқдорини ўтган йилга нисбатан оширган ва бу ўзгариш ҳам соф фойдани камайишига олиб келган.

Энди эса жадвал маълумотларидан фойдаланиб соф фойдага таъсир қилувчи омиллар ҳисобини мувозанат усули орқали кўриб чиқамиз.

Мувозанат усулининг моҳияти шундан иборатки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг фарқи қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки ҳисобот давридаги миқдори олинади.(2-жадвал)

*Соф фойда ва унинг ўзгаршига таъсир
этувчи омиллар ҳисоби
(минг сумда)*

Кўрсаткичлар	Ўтгаи йили	Хисобот йили
1	2	3
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	134855,584	155864,408
2. Давр харажатлари (ДХ)	132618,142	169792,221
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жа- раёнларидан даромадлар (БД)	9024,507	20497,283
4. Молиявий фаолиятдан даромад (МД)	1389,12	1610.972
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар (С)	2867,515	3365,747
7. Жорий йилнинг соф фойдаси (СФ)	7005,314	4819,998

Соф фойда ва унга таъсир этувчи омилларни умумий формулада ифодалаймиз.

$$СФ = ЯФ - ДХ + БД + МД + ФФ - К$$

$\Delta СФ ЯФ$ – Ялпи фойда ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta СФ ЯФ = ЯФ_1 - ЯФ_0 = 155864,408 - 134855,584 = +21008,824$$

$\Delta СФ ДХ$ – Давр харажатлари ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta СФ ДХ = ДХ_1 - ДХ_0 = 169792,221 - 132618,142 = +37174,079$$

ΔСФБД – Бошқа даромадлар ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta\text{СФБД}=\text{БД1}-\text{БД0}=20497,283-9024,507=+11472,776$$

ΔСФМД – Молиявий фаолиятдан даромадлар кўпайишининг соф фойдага таъсири.

$$\Delta\text{СФМД}=\text{МД1}-\text{МД0}=1610.972-1389,120=+221,852$$

ΔСФС – Солиқлар кўпайишининг соф фойдага таъсири

$$\Delta\text{СФС}=\text{С1}-\text{С0}=3365,747-2867,515=+498,232$$

$$\Delta\text{СФ}=\Delta\text{СФЯФ}-\Delta\text{СФДХ}+\Delta\text{СФБД}+\Delta\text{СФМД}-\Delta\text{СФС}$$

$$4819,998-7005,314=+21008,824-37174,079+11472,776+221,852-498,232$$
$$-2185,316=-2185,316$$

Корхонада ялпи фойданинг ошиши натижасида соф фойда кўрсаткичи анча ўсган лекин давр харажатларининг кўпайиши ва солиқ юкининг ортиши соф фойдани ўтган йилга нисбатан камайишига олиб келган. Бунга асосий омил сифатида корхонада ўтган йилга нисбатан давр харажатларининг 37174,079 минг сўмга ошиши сабаб бўлди.

Келгусида корхона соф фойдасини ошириши учун давр харажатларини камайтириш лозим. Бунинг учун корхона бу харажатлар бўйича режа сметасини тузиб бориши, синтетик ҳисоб юритилиши ва иккиламчи, зарур бўлмаган хизмат турларидан воз кечиши зарур.

2.2 «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ да ҳисобот даври молиявий натижаси ҳисобини яхшилаш йўллари

Корхонанинг асосий фаолияти савдо хизматидир. Бу борада корхонанинг товарлар билан таъминланганлик даражаси бевосита молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Корхонанинг савдо хизматини кўрсатишда мавжуд товар-моддий захиралар етарли даражада эмас ва тур жихатдан кам. Бундай нуқсонлар бевосита корхона сарф-харажатларини ошириш билан бирга, харидорлар сонини қисқаришига сабаб бўлмоқда.

Бу омиллар эса бевосита корхонанинг молиявий барқарорлик даражасига салбий таъсир ўтказиб бормоқда. Буни биз юқорида корхонанинг молиявий ҳисоботларида кўриб ўтдик.

Бу муаммони бартараф этиш учун корхона ўзининг моддий базасини қупайтириш ва янги эҳтиёжбоп товарлар билан бойитиш зарур.

Ана шундай ҳолатдагина корхона кўрсатаётган хизматлар таннархини пасайтириши ва самарадорлик даражасини ошишига эришиши мумкин. Албатта корхонани тубдан моддий база билан таъминлаш учун анча маблағ зарур, лекин бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал этишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Корхона узоқ муддатли кредит ҳисобидан бу маблағларни қоплаши мумкин.

Бу корхонанинг биринчи асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Корхонада мавжуд яна бир асосий муаммоларидан бири – бу ҳисоб тизимининг тўғри юритилмаётганлигидир.

Бундай камчиликларни корхонада 2012-йилнинг 1 октябрдан 2013 йилнинг 1-январига қадар бўлган даврдаги молия хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган хужжатли текшириш натижаларида кўриб ўтишимиз мумкин.

«ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ томонидан Иштихон туман ДСИ га 2012 йилнинг 2-ярим йиллиги ва 2013 йилнинг 3-чораги учун ҳисоботлари тақдим этилмаган.

Текширишда 2013 йил якуни бўйича даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар молиявий натижа 6829,0 минг сўм фойдани, Солиқ кодексига мувофиқ қайта қушилувчи харажатлар 4048,6 минг сўмни ташкил этиб, фойда солиғига тортиладиган база 10877,6 минг сўмдан 9,0 фоиз ставкада ҳисобланган фойда солиғи 978,9 минг сўмни ташкил этишлиги ушбу суммадан 2010 йилнинг 1-ярим йиллиги учун бюджетга тўланиши учун ҳисобланган 201,0 минг сўм фойда солиғи суммаси чегирилиб, текширишда бюджетга қўшимча 777,9 минг сўм солиқ ҳисобланди.»¹

Текширишда 2011 йилнинг 3-чорагида корхонанинг фойда солиғи тўлангунча бўлган молиявий натижаси 3282,0 минг сўмни, Солиқ кодексига мувофиқ қайта қушилувчи харажатлар 149,0 минг сўмни ташкил этиб, фойда солиғига тортиладиган база 3431,0 минг сўмдан 9,0 фоиз ставкада ҳисобланган фойда солиғи 308,8 минг сўмни ташкил этди”.

Корхонада молиявий ҳисоботларнинг даврийлиги узилган. Бирламчи ҳужжатлар тўлиқ мавжуд эмас, оборот ведомостлари тўлиқ тузилмаган ва ўзаро мослик тамойиллари бузилган.

Бу омиллар бевосита молиявий натижа – фойдани ҳисоблашда ноаниқликларга сабаб бўлади. Фойда солиғи базасини нотўғри ҳисобланишига олиб келади. Фойда солиғи ҳисобини яхшилашнинг қуйидаги йўллари босқичма-босқич амалга ошириш зарур:

- Биринчи навбатда бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри юритилишини таъминлаш;
- Бирламчи ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш;
- Ҳисоб регистрларини ҳисоб сиёсатига мос узликсиз ҳисоб тизимида юритиш;

¹ «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ да 2012-йилнинг 1 октябрдан 2013 йилнинг 1-январига қадар бўлган даврдаги молия ҳўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган ҳўжатли текшириш натижаси бўйича тузилган далолатнома.

2013-йил 31 август

Иштихон ДСИ

- Ҳисоботларни бирламчи ҳужжатларга мослигини таъминлаш ва тўғри тузиш;

- Ҳисоботларни ўз вақтида солиқ органларига топшириш;

- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш ва тўлаш.

Корхонада мана шу чоралар амалга оширилса ҳисоб тизими ва бевосита молиявий ҳолати ҳам анча яхшиланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақи ётади. Мана шундай туб ислохотларни биз савдо хизматисиз тасаввур қила олмаймиз. Зеро, ҳар қандай истеъмол товарлари таъминоти айнан савдо орқали амалга оширилади. Шу сабабдан давлатимиз бу фаолиятга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бизга маълумки, йирик улгуржи савдо корхоналарини ташкил қилиш катта маблағни талаб этади. Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун йирик сармоя ва катта таъминот базага эга бўлиши зарур. Давлатимиз бундай муаммоларни ечишнинг ўзига хос йўллари очиб бермоқда, хусусан кредит сиёсати бунга яққол мисол бўла олади.

Савдо хизматларини амалга оширишдан олинган якуний молиявий натижа корхонанинг реал ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусиятлар ҳисоб тизимида ҳам ўз аксини топади.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай фаолият узликсиз ҳисобни талаб этади. Бундай ҳисоб қурилиш ташкилотларининг молиявий ва бошқарув ҳисоби орқали амалга оширилади.

Тадқиқот объекти сифатида «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» МЧЖ да молиявий натижа ҳисобини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни кўриб чиқиш зарур:

- Биринчи навбатда ҳисоб сиёсатини жорий қилиш;
- бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри юритилишини таъминлаш;
- Бирламчи ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш;
- Ҳисоб регистрларини ҳисоб сиёсатига мос узликсиз ҳисоб тизимида юритиш;
- Ҳисоботларни бирламчи ҳужжатларга мослигини таъминлаш ва тўғри тузиш;
- Ҳисоботларни ўз вақтида солиқ органларига топшириш;

- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш ва тўлаш.

Ушбу таклифлар амалга оширилиши корхонадаги ҳисоб тизими ва бевосита молиявий ҳолатини ҳам анча яхшиланишинишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни, 1991 йил 15 феврал.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 26 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни, 1990 йил 31 октябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, 1991 йил 15 феврал.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 30 август.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, “Халқ сўзи” газетаси 2002 йил 1 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора - тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 1995 йил 14 феврал.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорхоналар иқтисодий ночорлигининг белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими” қарори, 1999 йил 26 июл.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорхоналарни соғломлаштириш ҳамда тўлов қобилиятлилигини тиклаш бўйича наъмунавий молиявий режа”, 1997 йил 31 март.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, идоралар ва қорхоналар айланма маблағларининг нормативлари тўғрисида”ги қарори, 1997 йил 25 феврал.
13. Ислом Қаримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 14 январ
14. Баканов М.И, Шеремет А.Д. “Теория экономического анализа” М. “Финансы и статистика”. 1998.
15. Бернстаин А.А. “Анализ финансовой отчетности”. М. “Финансы и статистика”. 1999
16. Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни уқиш ва ҳисоб қилиш йуллари». Т.; «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 йил.
17. Абдуллаев Ё.А., Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Иқтисодий ҳисоб: 100 савол ва жавоб». Т.; «Мехнат» 2001.
18. Вахобов А. В., Ибрагимов А. Т. “Молиявий ҳисоб”. Т.; “Шарқ” 2002.
19. Вохобов А.В., Ибрагимов А.Т., Якубов У.К. «Бошқа тармоқларда иқтисодий ҳисоб хусусиятлари». Т.; 2004.
20. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Бошқарув ҳисоби». Т.; 2004.
21. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. «Молиявий ҳисоб». Т.; 2004.
22. Вохобов А.В. ва бошқалар. «Иқтисодий ҳисоб назарияси». Т.; 2003.
23. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т. «Иқтисодий ҳисоб». Т.; «Мехнат» 2004.
24. Орипов Ж.О. Иқтисодиёт назарияси. –Самарқанд: “СамИСИ босмахонаси”, 2004 182-бет.

- 25.Каримов А, Исломов Ф, Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: “ШАРҚ”,2004 408-бет.
- 26.Жўраев А, Тошматов Ш, Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш.- Тошкент: “НОРМА”, 2009 32-бет.
- 27.Умидбек Сафаров /Солиқ ва божхона хабарлари .- Тошкент. 2013-йил 20-сентябр, № 38(946), 14-бет

Интернет сайтлари

1. <http://www.google.co.uz> Фойда солиғи ҳисоби ва аудити.
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.mf.uz>
4. <http://www.norma.uz>

Иловалар рўйхати: